

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА УЧИНЧИ ШАХС МАЪНОСИНИ БИЛДИРУВЧИ ВОСИТАЛАР МАЪНОДОШЛИГИ

Фируз Сулаймонович САФАРОВ

доцент

филология фанлари номзоди

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

f.s.safarov@buxdu.uz

Аннотация

Мақолада ўзбек адабий тилидаги учинчи шахс маъносини билдирувчи воситалар маънодошлиги таҳлил қилинган. Узвли таҳлил тусловчи қўшимчалар билан кишилиқ, ўзлик олмоши ва от ўзак негизининг уч хил грамматик маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхшашлиги кўрсатилган. Бу эса уларни ўзаро маънодош (систем, парадигматик синоним) деб қарашга имкон беради. Контекстуал таҳлил асосида маънодош воситаларнинг денотатив хусусияти ўхшаш бўлиб коннотатив хусусияти фарқ қилиши очиқ берилган.

Таянч сўзлар: учинчи шахс, ўзга, учинчи шахс маъносини билдирувчи воситалар, тусловчи қўшимча, кишилиқ олмоши, от, сўз ва қўшимча маънодошлиги, тежамкорлик, таъкид, коннотация.

СИНОНИМИЯ СРЕДСТВ ВЫРАЖАЮЩИХ ТРЕТЬИ ЛИЦА В УЗБЕКСКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ

Фируз Сулаймонович САФАРОВ

доцент

кандидат филологических наук

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

f.s.safarov@buxdu.uz

Аннотация

В статье анализируется значение средств выражающих значения третьего лица в узбекском литературном языке. Компонентный анализ показывает схожесть трех грамматических значений (лицо, число и уважение) аффиксов спряжения третьего лица и личных местоимений, также существительных. Это позволяет рассматривать их как взаимно синонимичных средств (системных, парадигматических синонимов). На основе контекстуального анализа выявлено, что денотативные свойства синонимических средств схожи, а коннотативные свойства различны.

Ключевые слова: третье лицо, средства значения третьего лица, аффиксы спряжения, личные местоимения, существительное, синонимия между словами и аффиксами, экономия, подчёркивание, коннотация.

Ўзбек адабий тилида учинчи шахс маъноси қўйидаги воситалар билан ифодаланади: 1) тусловчи қўшимчалар (-ди, -(и)бди, -ган, -ган эди, -аётган эди, -ар эди, -ган экан, -ган эмиш, -япти, -ётир, -моқда, -(а)ётган экан, -ади, -(а)р,

-(а)р экан, -(а)р эмиш, -ажак, -моқчи, -моқчи эди, -моқчи экан, -моқчи эмиш, -са, -са эди, -ган бўлса, -аётган бўлса, -са экан, -син, -син экан, -син эмиш); 2) кишилиқ олмоши (*у, улар*); 3) отнинг ўзак, негизи; 4) сўроқ олмоши (*ким, нима, қайси*); 5) гумон олмоши; 6) кўрсатиш олмоши; 7) жамловчи ва айирувчи олмош (*ҳамма, барча, ҳар ким, ҳар нима*); 8) бўлишсизлик олмоши (*ҳеч ким, ҳеч нима*); 9) эгалиқ қўшимчасини олган ўзлик, жамловчи, айирувчи, сўроқ олмоши (*ўзи, ҳаммаси, ҳар бири, қайсиси, нечтаси*); 10) отлашган сўз; 11) ҳаракат номи, сифатдош (*бориши, боргани*). Бу воситалар ўзбек анъанавий, субстанциал ва руҳий-ижтимоий тилшунослигида алоҳида-алоҳида ўрганилган [5; 6; 7; 8; 9; 1; 2; 3; 4. Руҳий-ижтимоий тилшунослик ҳақида қаранг: 4, 17].

Узвли таҳлил учинчи шахс тусловчи қўшимчалари билан ўзга маъносини билдирувчи олмош (кишилиқ, ўзлик, сўроқ, жамловчи, айирувчи, бўлишсизлик) ва от ўзак негизининг уч хил грамматик маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхшашлигини кўрсатади. Бу эса уларни ўзаро маънодош (систем, пардигматик синоним) деб қарашга имкон беради.

Учинчи шахс тусловчи қўшимчалари ва от ўзак, негизи маънодошлиги бир, иккинчи шахс тусловчи қўшимчалари ва олмош маънодошлигидан фарқ қилади. бир, иккинчи шахсда кишилиқ, ўзлик олмоши сўзловчи, тингловчини таъкидлаш учун қўлланса, учинчи шахсда от ўзгани ойдинлаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун нутқ (гап, матн)да учинчи шахсдаги луғавий эга (от) биринчи, иккинчи шахсдаги луғавий эга (олмош)га нисбатан кўпроқ ишлатилади.

Қуйида учинчи шахс воситаларининг нутқий хусусияти контекстуал таҳлил қилинади.

Нутқий мақсаду вазифа ихчам тарзда хабар (фикр, сўроқ, буйруқ, истак) билдиришни тақозо қилса, ўзбек тилида гап биргина сўздан иборат бўлади. Бу сўз асосан кесим вазифасини бажаради. Бундай ҳолда унинг валентлиги зухур бўлмайди. Нутқий талабга қараб валентлик намоён бўла боради. учинчи шахсдаги феъл кесим тусловчи қўшимчалар билан ҳосил бўлади. Тусловчи қўшимчаларда бошқа грамматик маънолар билан бирга субъект ҳақида ҳам

маълумот бўлади. Демак, бундай гапда актуал бўлинишнинг иккала узви (тема ва рема) айни бир воситада мавжуд. Бунда рема феълнинг ўзаги, тема морфологик восита орқали ифодаланади.

Учинчи шахсда хосланган қўшимча йўқ, аниқроғи, шахс маъноси алоҳида қўшимча билан ифодаланмайди. Майл ва замон қўшимчалари айни пайтда шахс кўрсаткичи вазифасини бажаради. Учинчи шахс шаклларида коммуникатив маъно белгиланган бўлиб минимал контекстда ифодаланади. Ҳар қандай минимал контекстда бу шакллардан субъектнинг коммуникатив вазифаси аниқ сезилиб туради. Бу вазифа шундан иборатки, учинчи шахснинг субъекти нутқий амал аъзоси бўлолмайди. У нутқий амал аъзоси бўладиган сўзловчи ва тингловчидан ўзга, яъни инсон, жонивор ва жонсиз мавжудотни кўрсатади. Шунини ҳисобга олиб бу маъно *ўзга* деб номланади [4, 177].

-ди шаклида ўзга маъносидан ташқари ўтган замон, бевосита кузатганлик маънолари белгиланган бўлиб, мустақил гап ҳосил қилади [4, 117]: *Уялди*. (М. М. Дўст, Галатепага қайтиш). Минимал контекстан иш-ҳаракат (ҳолат) субъекти инсон эканлиги сезилиб турибди. Бу маъно учун қулай восита вазифасини феъл ўзагининг луғавий хусусияти (луғавий мазмуни) бажаряпти. Бу мисолда феълнинг ўзаги инсонга хос ҳаракат (ҳолат)ни билдиради. Феъл ўзагининг луғавий мазмунига боғлиқ равишда *-ди* шакли инсондан бошқа жонли ёки жонсиз мавжудотнинг хусусиятини ҳам англатиши мумкин: *сайради, қайнади*. *-ди* шакли биринчи мисолда жонли, иккинчи мисолда жонсиз мавжудотнинг ҳаракатини англатяпти. Келтирилган мисоллар ўзга маъноси учун бетараф контекст бўлса, шахсли субъект ва шахсиз субъект маънолари учун қулай контекстдир.

-(и)бди шакли ўзга маъносидан ташқари сон, ҳурмат, ўтган замон, бевосита кузатмаганлик маъноларини ифодалаб, мустақил гап ҳосил қилади. Аммо бу маънолардан айримининг белгиланганлик даражаси, турли кўриниши ойдинлашиши (конкретлашиши), таъкидланиши ёки чекиниши сабабларини билиш учун уни гапда қўллаб кўриш зарур. Бошқача айтганда, контекстуал таҳлилга мурожаат қилишга тўғри келади: – *[Почтачи боладан сени]*

суриштирибди (С. Аҳмад, Уфқ, 119). Гапни қавсга олинган сўзларни қўшиб ўқисак ҳам *-(u)бди* шаклига хос грамматик маънолар ўзгармайди. Шунга кўра мисолни *-(u)бди* шаклидан иборат минимал контекст дейиш мумкин. Шаклнинг биринчи қисми (фёълнинг ўзаги) инсонга хос ҳаракатни билдиради. Бу луғавий маъно деб аталади. Шаклнинг иккинчи қисми *-(u)бди* орқали бир неча грамматик маъно ифодаланади. Шулардан бири *ўтган замон* маъносидир. Негаки ҳаракат нутқ вақтидан олдин содир бўлган. Иккинчиси, коммуникатив маънонинг кўриниши бўлиб, нутқий амал аъзоси (сўзловчи, тингловчи) бўлмайди шахсни англатишдир. Бу маъно грамматикада учинчи шахс деб юритилади. Учинчи маъно ўзга шахснинг сон-миқдори бўлиб, қўшимча унинг бирлик ёки кўплик эканини аниқ кўрсатмайди. Тўртинчи маъно сўзловчининг ўзга шахсга ижобий муносабати (хурмат) бўлиб, қўшимчадан сўзловчининг ўзга шахсни хурмат қилиш ёки қилмаслигини аниқлаб бўлмайди. Бешинчи маъно бевосита кузатилмаганлик бўлиб, қўшимчасидан сўзловчининг ўзга шахс амалга оширган иш-ҳаракатни бевосита кузатмаганлиги сезилиб турибди. Аммо хабар манбаи аниқ эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳаракатни сўзловчи тингловчининг ўзидан эшитиб ўзлаштириб баён қилаётганлиги ёки у ҳақда бошқа манбага асосланиб хабар бераётганлиги аниқ эмас. Бу эса учта маънонинг кўриниши ёки белгиланганлик даражасини аниқлаш мақсадида бошқа гап(лар), контекст ёки микромаатнга назар ташлашни тақозо этади. Олдинги гапдан иш-ҳаракат субъекти Акбарали (тингловчи тўйни бузиб олиб қочган қизнинг акаси) эканлиги маълум бўлади. Демак субъектнинг миқдори (сон маъноси) *бирлик* тарзида воқеланмоқда. Бундан ташқари сўзловчи Умматали, тингловчи унинг ўғли Азизхон, нутқий амал ўрни Луғумбек (Катта Фарғона канали қурилиши участкаларидан бири), воқеа жойи Луғумбекка яқин жой эканлиги назарда тутилса, сўзловчи *-(u)бди* шакли орқали бировдан *эшитган ҳаракат* ҳақида хабар бермоқда дея оламиз. Айни пайтда эшитилган ҳаракатнинг чин-чин эмаслиги (реал, нореал, ирреаллиги), сўзловчининг унга ишониб ишонмаслиги *-(u)бди* қўшимчасида белгиланмаган. Сўзловчи воқеани хабар қилар экан, ўзини бетараф тутади. Демак, *-(u)бди* қўшимчасида *модал*

маънога бетарафлик мавжуд. *-(и)бди* кўшимчасида ижтимоий вазифа билан боғлиқ бўлган маъно (*хурмат*)га ҳам бетараф муносабат мавжуд. Негаки сўзловчи ўзга шахсга нисбатан бетарафликни ифодаловчи шаклларни қўллайди. Уни сизламайди, сенсирайди.

-ган экан шакли ўзга маъноси билан бирга *сон, хурмат, ўтган замон, бевосита кузатмаганлик* маъноларини ифодалаб, синтактик хусусияти *муносабатдан* иборат. Модал маъно контекстдаги қулайликка қараб уч хил кўринишда намоён бўлади: *эшитилганлик, кейин билганлик* (далилга асосланиб), *хулоса* (далилга асосланган) [4, 126]. Бу маъноларнинг намоён бўлишини аниқлаш учун контекстуал таҳлилга мурожаат қиламиз: [*– Олимдан-чи, Олимдан хабар борми?*] – *Ярадор бўлган экан, [бир ойча туриб кетди]* (С. Аҳмад, Уфқ, 293). Мисол минимал контекстдан иборат бўлиб, иш-ҳаракат бажарувчиси ўзга эканлиги унинг ўзидан англашилиб турибди. Иш-ҳаракатнинг инсон томонидан бажарилгани феълнинг луғавий мазмунидан маълум бўляпти. *Сон* маъносини минимал контекстдан аниқлаб бўлмайди. Олдинги гапдан иш-ҳаракат субъекти бир киши (*Олим*) эканлиги аён бўлади. Демак *-ган экан* шакли бу гапда бирлик маъносини ифодалаяпти. *Хурмат* маъносига бетараф муносабат контекстда ҳам сақланиб қолган. Модал маъно эшитилганлик тарзида намоён бўлган. Бунга олдинги гап қулайлик туғдирган, яъни сўзловчи хабарни бировдан эшитиб баён қиляпти.

Ҳозирги замоннинг *-япти, -(а)ётибди, -(а)ётир, -моқда* шакллари шахс (ўзга) маъноси билан бирга *сон, хурмат, ҳозирги замон, бевосита кузатганлик, давомлилик* маъноларини ифодалаб мустақил гап ҳосил қилади. *Сон, хурмат* маъноларидан бошқалари бу шаклларнинг ўзида белиланганидан минимал контекстда ифодаланади: – *Қизганяпти* (С. Аҳмад, Уфқ, 475). Бу гапдан иш-ҳаракат субъекти ўзга эканлиги маълум бўлиб турибди. Феълнинг ўзаги ҳам, инсон ҳам бошқа жонли мавжудотга хос ҳаракат англаниданидан минимал контекстдан субъектнинг инсон ёки жонивор эканлигини билиб бўлмайди. Макроконтекстдан субъектнинг инсон (Тўланбойнинг ўғли) эканлиги маълум

бўлади. Макроконтекст шунингдек бу гапда бирлик ифодаланишига қулайлик туғдиради. Мисолда у олмоши тежалган.

Хабар майлининг ҳозирги-келаси замон шаклларида ҳам шахс (ўзга) маъноси белгиланган бўлиб, минимал контекстда ифодаланади. Сон ва ҳурмат маъноларига бетараф муносабат мавжуд бўлиб, бу маънолар қулай (микро- ёки макро-) контекстда намоён бўлади. Ҳозирги келаси замоннинг ясама (-ади, -(а)р) шакллари *ҳозирги замон* билан биргаликда *бевосита кузатиладиган иш-ҳаракатни*, *келаси замон* билан бирга *сўзловчи бевосита кузатолмайдиган воқеа-ҳодисани* ифодалайди. Бевосита кузатилмаган иш-ҳаракат субъектив муносабати билан йўғрилади. Шунга кўра модал маъно битта шаклда *ишонч*, иккинчисида *тахмин*, *гумон* тарзида намоён бўлади [4, 137].

-ади шакли мазмунан икки замон ва иккита модал маънога бетараф. Шу боис тўртала маъно ҳам қулай контекстда намоён бўлади: *Кечқурун келади* (С. Аҳмад, Уфқ, 120). Бу мисолда келаси замон ва ишонч маънолари ифодаланган. Келаси замон ифодаланишига *кечқурун* сўзи қулайлик туғдирган. Коммуникатив маъно (ўзга) шаклининг ўзидан англашилади. Фейлнинг ўзаги инсон ва жонли-жонсиз мавжудотга хос ҳаракатни билдирганидан бу контекстдан субъектнинг инсон ёки бошқа мавжудот эканлигини билиб бўлмайди. Макроконтекстдан бажарувчининг инсон (*Лутфиниса*) эканлиги маълум бўлади. Сон маъноси бирлик тарзида намоён бўлган. Ҳурмат маъносига эса бетараф муносабат сақланиб қолган. Мисолда таъкид назарда тутилмаганидан у олмоши қўлланмаган. Қуйидаги мисолда эса -ади шакли ҳозирги замон ва бевосита кузатганлик (хабардорлик) маъноларини ифодалаган: – *Билади...* (М. М. Дўст, 97). Ҳозирги замон маъноси учун феълнинг курсив эканлиги қулайлик туғдирган. Чунки курсив феълнинг луғавий мазмунида ҳозирги замон маъноси учун қулайлик бўлади [4, 137]. Шахс (ўзга) маъноси минимал контекстдан англашилиб турибди. Фейлнинг ўзаги шахсли субъект маъноси учун қулайлик туғдирган яъни иш-ҳаракатнинг бажарувчиси инсон. Субъектнинг миқдорини аниқлаш учун макроконтекстга мурожаат қилишга тўғри келади. Олдинги гаплардан сўзловчининг бир киши (*Хосият*)

экани маълум бўлади. Хурмат маъносига бетарафлик макроматнда ҳам сақланиб қолади. Мисолда таъкид назарда тутилмагани учун у олмоши қўлланмаган, тежалган.

-(*a*)*p* шакли -*ади* каби ҳозирги ва келаси замон маъноларига бетараф. Шу сабабли гапда улардан қайси бири учун қулайлик бўлса, ўшани ифодалайди. Қуйидаги мисолда -(*a*)*p* шакли келаси замон ва гумон маъноларини ифодалаган: *Балки эртага келиб қолишар* (Ш. Холмизаев, От йили, 303). Келаси замон маъносига пайт билдирувчи сўз (*эртага*) қулайлик туғдирган. Гумон маъноси *балки* сўзи орқали кучайтирилган. Шахс (ўзга) маъноси -(*a*)*p* шаклининг ўзидан англашилиб турибди. Шахсли субъект маъноси, яъни субъектнинг инсон эканлиги макроконтекстдан маълум бўлади. Олдинги гаплардан иш-ҳаракат субъекти сўзловчи (*Бўри Қора*)нинг ўғиллари эканлиги аён бўлади. Субъектнинг кўплиги -*иш* кўшимчаси билан ифодаланган. Хурмат маъносига келсак, сўзловчи олдинги гапларда иш-ҳаракат субъектларига нисбатан луғавий восита орқали салбий муносабат ифодалайди: *Ўғилларим бўлмади-да. Ярамастар. Нокастар...* (Ўша асар, 303). Таҳлил қилинган мисолда *улар* олмоши тежалган.

Шарт-истак майли шакллари ҳам майл ва замон маъноси билан бирга учинчи шахс маъносини ҳам билдиради. Тадқиқотимиз хажми чекланганлигидан бу майлнинг фақат битта шакли (-*са*)ни контекстуал таҳлил қиламиз. -*са* шаклининг мазмуни шарт, истак, ҳозирги ва келаси замон маъноларидан иборат. Тўртала маъно ҳам қулай гап (контекст)да намоён бўлади. Модал маънонинг иккаласи ҳам урғу ёрдамида намоён бўлади. Урғу -*са* кўшимчасидан олдинги бўғинга тушса, шарт маъноси ифодаланиб, гап икки қисмдан иборат бўлади [4, 150]: *Чақасини бермаса кестирма* (С. Аҳмад, Уфқ, 445). Бу мисолда -*са* шакли ёрдамида шарт эргаш гапли кўшма гап ҳосил бўлган. Бу кўшма гапда -*са* шакли шарт ва келаси замон маъноларини ифодалаган. Шахс (ўзга) маъноси шаклининг ўзи орқали ифодаланяпти. Феълнинг ўзагидан субъектнинг инсон эканлиги англашилади. Субъектнинг миқдорини аниқлаш учун макроконтекстга мурожаат қилишга тўғри келади.

Абзацнинг биринчи гапидан субъектнинг кўплиги аён бўлади: – *Кесгани келишса қувлаб сол* (Ўша асар, 415). Хурмат маъносига бетарафлик макроконтекстда ҳам сақланиб қолади. Таҳлил қилинган мисолнинг биринчи қисмида *улар* олмоши ва *агар* юкламаси, иккинчи қисмида *сен* олмоши ва тўлдирувчи тежалган. Шунингдек, ёзувчи вергулни ҳам тежаган.

Урғу *-са* кўшимчасига тушса, истак маъноси ифодаланади [4, 151]: *Қани энди бизни ҳам шундай қутишса!* (М. М. Дўст, Галатепага қайтиш, 76). Бу мисолда *-са* шакли истак ва келаси замон маъноларини ифодалаган. Шахс (ўзга) маъноси шаклнинг ўзидан англашилиб турибди. Субъектнинг кўплиги *-иш* кўшимчаси билан ифодаланган. Бироқ бу гапда учинчи шахс маъноси умумлашган, яъни аниқ кўп киши маъноси ифодаланмаган. Шунинг учун мисолда *улар* олмоши ёки отни қўллаб бўлмайди.

Буйруқ-истак майлининг учинчи шахс шакллари кўшимча ва ёрдамчи сўз билан ясалади, яъни бу шахсда ясама ва кўшма шакллар мавжуд. Ясама шакл битта бўлиб, феълнинг ўзак ва негизидан *-син* кўшимчаси билан ҳосил бўлади (*ол-син, иш-ла-син*). Бу кўшимча майл, замон, шахс, сон ва хурмат категориялари кўрсаткичи вазифасини бажаради. Кўшма шакллар ясама шаклга тўлиқсиз феъл қўшилишидан вужудга келади [4, 111]. Қуйидаги мисолда *-син* шакли буйруқ ва келаси замон маъносини ифодалаган: – *Белини берсин, бу қанақаси!* (С. Аҳмад, Уфқ, 74). Буйруқ маъносига ўзгага билвосита мурожаат маъноси қулайлик туғдирган. Шахс (ўзга) маъноси шаклнинг ўзидан англашилади. Субъектнинг инсон эканлиги феъл ўзагининг луғавий мазмунидан аён бўлади. Субъектнинг микдорини мироконтекстдан аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун макроконтестга мурожаат қилишга тўғри келади. Макроконтекстдан субъектнинг бир киши (*Ёғоч полвон*) эканлиги маълум бўлади. Бу мисолда таъкид назарда тутилмаганидан у олмоши ёки атоқли от қўлланмаган. Айрим ҳолда *-син* шакли истак маъносини билдирганда бажарувчининг *худо, тангри, яратган* эканлиги мантиқан аён бўлади. Шунинг учун бундай гапда луғавий эга қўлланмайди. Шундай гапга иккита мисол келтирамиз: – *Жаннатидан жой ато қилсин, – дея секин сўзланди мулла Чори*

(М. М. Дўст, Галатепага қайтиш, 13). *Ёмон кўздан асрасин* (С. Аҳмад, Уфқ, 156).

Нутқий мақсаду вазифага боғлиқ равишда гап, матнда ўзга маъноси ойдинлаштирилиши ёки таъкидланиши мумкин. Бу *ойдинлаштирувчи контекст*да амалга ошади. Ойдинлаштирувчи контекстда ўзга маъносини ойдинлаштириш ёки таъкидлаш учун от, отлашган сўз ёки олмош қўлланади. Бундай контекст камида иккита сўздан иборат бўлади.

Эга вазифасида от қўлланса ўзга маъноси ойдинлашади. Узвли таҳлил учинчи шахс тусловчи қўшимчалари ва эга вазифасида қўлланган отнинг уч хил грамматик маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхшашлигини кўрсатади. Бу эса улар орасида маънодошлик мавжудлигини кўрсатади. Маънодош воситаларнинг фарқи шундаки, тусловчи қўшимча ўзга ва шахсли, шахсиз субъект маъносини мавҳум, умумлашган тарзда ифодаласа, от луғавий восита бўлганидан ўзганинг ким ёки нима эканлигини аниқ кўрсатади.

Ўзга маъносини ойдинлаштириш учун турдош от кўп қўлланади. Бундай от инсон, инсондан бошқа жонли-жонсиз мавжудот ёки мавҳум тушунчани билдирилиши мумкин. Қуйидаги мисолларда субъектни ойдинлаштириш учун инсонни билдирувчи от қўлланган: *Чол кулди* (С. Аҳмад, Уфқ, 41). *Қиз тўхтади* (С. Аҳмад, Уфқ, 335). Бу мисолларда инсонни билдирувчи от темани ойдинлаштириб келган бўлса қуйидаги мисолда рема вазифасини бажарган: *Мана шу турган тупроқ уюмини ўглингиз олиб чиққан* (С. Аҳмад, Уфқ, 115). Эга вазифасида жамловчи от келса, ўзга маъноси билан бирга инсон ва жамлик (кўплик) маъноси ифодаланади: *Оломон гуриллади* (С. Аҳмад, Уфқ, 58). Зарурат бўлса, микроматнда турдош от англатган субъект атоқли от воситасида ойдинлаштирилиши мумкин: *Сўнг тўдадан уч йигит ажралиб чиқди – Мавлонбой, Зокир, Аҳмад* (М. М. Дўст, Галатепага қайтиш). Демак, бу гапда тусловчи қўшимча англатган ўзга маъноси турдош от томонидан, турдош отнинг маъноси (таркиби) эса атоқли от томонидан ойдинлаштирилган. Натижада учинчи шахсдаги субъектни сўнг даражадаги аниқликда ифодалашга эришилган. Субъектни инсондан бошқа жонли мавжудотни билдирувчи от ҳам

ойдинлаштириб келиши мумкин: *От кишнади* (С. Аҳмад, Уфқ, 610). *Ит шамолдек учиб кетди* (С. Аҳмад, Уфқ, 247). Бу мисолларда ҳайвонни билдирувчи от тусловчи кўшимча ифодалаган темани ойдинлаштирган бўлса, қуйидаги мисолда рема вазифасини бажарган: *Кўшни ҳовлида хўроз қичқирди* (С. Аҳмад, Уфқ, 289). Бундай турдош гапда бошқа турдош от билан янада ойдинлаштирилиши мумкин: – *Ари, қовоғари ичимга кириб опти* (С. Аҳмад, Уфқ, 108). Гапдаги биринчи турдош от гипероним бўлиб жинс маъносини билдирса, иккинчи от гипоним бўлиб бу хашаротнинг турини билдиради. Субъектни жонсиз мавжудотни билдирувчи от ҳам ойдинлаштириб келади: *Офтоб ўчган* (С. Аҳмад, Уфқ, 45). *Қамишлар ҳали саргаймаган* (С. Аҳмад, Уфқ, 36). *Пичоқ учиб кетди* (С. Аҳмад, Уфқ, 71). Бу мисолларда жонсиз мавжудотни билдирувчи от темани ойдинлаштириб келган бўлса, қуйидаги мисолларда рема вазифасида келган: *Ҳандалак пишибди-да* (С. Аҳмад, Уфқ, 7). *Шу пайт гупилаб поезд кела бошлади* (С. Аҳмад, Уфқ, 53). – *Ўша ерларда ҳам шу юлдуз кўринармикан? – деди Зебихон* (С. Аҳмад, Уфқ, 36). Биринчи мисолда отнинг рема бўлиб келишига оҳанг ёрдам берган бўлса, иккинчи, учинчи мисолда гапдаги ўрни (кесим олдидан келиши) имкон берган.

Субъектни атоқли от ҳам ойдинлаштирилиши мумкин. Атоқли от билан ойдинлаштирилган субъект турдош отга нисбатан аниқроқ бўлади: *Икром индамади* (С. Аҳмад, Уфқ, 11). *Тўлан чарчади* (С. Аҳмад, Уфқ, 189). Бу мисолларда қўлланган атоқли от инсонни билдиради. Юқоридаги мисолларда атоқли от темани ойдинлаштириб келган бўлса, қуйидаги мисолда рема вазифасини бажарган: *Теракларни унинг тўнғич ўғли Тошнўлат эккан. Сувни кенжа ўғли Аҳмад ташиб келган* (М. М. Дўст, Галатепага қайтиш). Атоқли отларнинг кесим олдидан қўлланиши ўқувчининг диққатини субъектга қаратади. Бундай ҳолда атоқли от субъектни ойдинлаштириш билан бирга уни таъкидлашга ҳам хизмат қилади.

учинчи шахсдаги субъект отлашган сўз воситасида ойдинлаштирилиши ҳам мумкин. Бу вазифани кўпинча отлашган сифат бажаради. Бундай ҳолда инсон ўзига оид белги билан тавсифланади: *Гўзаллар соллана-соллана қадамлади*

(Т. Мурод, Отамдан қолган далалар, 137). Бунда сифат ҳам белги ҳам мавжудот маъносини билдириб, нутқий тежамкорлик намоён бўлади. Мазкур мисолда аниқланмиш вазифасида қўлланиши керак бўлган *қиз* ёки *аёл* сўзи тежалган. Қуйидаги мисолда сўзловчи отлашган сифат воситасида ўзгага салбий муносабатини ифодалаган: *Анави галварс яна ичиб қўйган эди* (Ш. Холмирзаев, От йили, 419).

Ўзга маъноси ойдинлаштирувчи контекстда тусловчи қўшимчадан ташқари *у, улар* кишилик олмошлари билан билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу олмошлар учинчи шахс тусловчи қўшимчалари билан маънодош бўлиб, ўзга маъносини умумлашган тарзда ифодалайди, шунингдек, сон ва ҳурмат маъноларини билдиради. Шунинг учун бу олмошлар тусловчи қўшимчадан англашилган шахс (ўзга) маъносини таъкидлашга хизмат қилади. Бу олмошларнинг қўлланиши матн билан боғлиқ бўлиб, матнда олдинги гап(лар)да от билан ифодаланган субъектни таъкидлаш лозим бўлганда ишлатилади: *Чол қоғозларни қўлига олди. У хат танимасди* (С. Аҳмад, Уфқ, 49). *Икромжон адои тамом бўлган эди. У бир кечадаёқ қариб қолганга ўхшарди* (С. Аҳмад, Уфқ, 318). Иккала мисолда ҳам олдинги гапдаги субъектни таъкидлаш назарда тутилганидан *у* олмоши қўлланган. Таъкид назарда тутилмаганда бу олмош тежалиб, шахс (ўзга) маъноси тусловчи қўшимча билан ифодаланади. Қуйидаги микроматнда субъектни таъкидлаш назарда тутилмаганидан кейинги гапда *у* олмоши қўлланмаган: *Икромжон ўглининг шу кўйга тушишини сира ўзидан кўрмаган эди. Энди бунга иқрор бўлди* (С. Аҳмад, Уфқ, 351).

Таъкид назарда тутилмаганда *у, улар* олмошлари қўлланса, ортиқча, ноўрин ишлатилган бўлиб, тежамкорликка риоя қилинмаган бўлади. Қуйидаги мисолларда *у* олмоши ортиқча қўлланган: *Икромжоннинг ўзи шу тарафга ҳаллослаб келарди. У хотинини кўриб аччиқланди* (С. Аҳмад, Уфқ, 12). *У Зебихонни яхши кўриб қолди. У бу қизнинг нимасини яхши кўриб қолганини ўзи ҳам билмасди* (С. Аҳмад, Уфқ, 332). *Улар ичидан Ғафур Ғуломни у дарров таниди* (С. Аҳмад, Уфқ, 92).

Бу ўринда шуни айтиш керакки, ёзувчи Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” романида бирор марта ҳам у кишилик олмошини қўлламаган. Демак ёзувчи тежамкорликка изчил риоя қилган.

Айрим ҳолда у олмоши рема вазифасини бажаради: *Қилғиликни у қилардию, азобини дадаси билан онаси тортишарди* (С. Аҳмад, Уфқ, 92). Ёзувчи эътиборни иш-ҳаракат субъектига қаратиш учун олмошни кесим олдидан қўллаган. Бироқ олмош синсемантик хусусиятга эга бўлганидан бу гапдан субъектнинг кимлигини аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун макроконтекстга муурожаат қилишга тўғри келади.

Учинчи шахсдаги субъектни ойдинлаштириш учун кўрсатиш олмоши ҳам қўлланади. Кўрсатиш олмоши лексик-грамматик хусусияти жиҳатдан от ва сифатга ўхшаш, шунинг учун улар ўрнида қўлланади, улар бажарган вазифада келади [3, 143]. От ўрнида қўлланганда, жумладан, эга вазифасида келиб тусловчи қўшимчадан англашилган шахс (ўзга) маъносини таъкидлашга хизмат қилади. От ўрнида қўлланган *бу, шу, ушбу, ана, мана* олмошлари сўзловчига яқин, нутқ пайтида аниқ мавжудотни, *у, ўша* олмошлари сўзловчига узоқ, илгари тилга олинган мавжудотни кўрсатади. Қуйидаги мисолда ўзгани билдирувчи субъектни *бу* олмоши ойдинлаштириб келган: – *Вой, бу этни тирноқдан жудо қилмоқчи* (С. Аҳмад, Уфқ, 487). Феълнинг луғавий мазмунидан иш-ҳаракат субъекти инсон эканлиги англашилиб турибди. Бироқ олмош синсемантик хусусиятга эга бўлганидан субъектнинг кимлигини микроконтекстдан аниқлаб бўлмайди. Макроконтекстдан сўзловчи Рисолат, ўзга унинг укасининг хотини Дилдор эканлиги маълум бўлади. Олмош билан ифодаланган субъект нутқ пайтида мавжуд, сўзловчига яқин турибди. Бу олмошининг қўлланиш сабаби шу.

Учинчи шахсдаги субъект тусловчи қўшимча билан бирга гумон олмоши билан ифодаланиши мумкин. Бу мақсадда *кимдир, аллаким, нимадир, алланима* олмошлари қўлланади. *Кимдир, аллаким* инсонни, *нимадир, алланима* инсондан бошқа мавжудотни англатади. Бу олмошлар орқали сўзловчи ўзи кузатолмаган, кўролмаган мавжудотни чамалаб, гумонсираб ифодалайди: ***Кимдир*** *йўталди*

(С. Аҳмад, Уфқ, 492). *Нимадир синди* (С. Аҳмад, Уфқ, 23). Биринчи мисолда субъект инсон, иккинчисида жонсиз мавжудот эканлиги англашилиб турибди. Бироқ унинг ким ёки нима эканлиги номаълум.

Сўзловчи субъектни аниқлаш мақсадида савол бериши мумкин. Бунда ким, нима сўроқ олмошлари қўлланади. Ким инсон ҳақидаги, нима инсондан бошқа мавжудот ҳақидаги сўроқни билдиради. Бу сўроқ олмошлари гапда рема вазифасини бажаради: – *Ким унига кириб кетган экан?* (С. Аҳмад, Уфқ, 196). Узумни нима еяпти?

Учинчи шахсни билдирувчи субъект жамловчи олмош воситасида ойдинлаштирилиши ҳам мумкин. Бу олмошлар ўзга маъноси билан бирга жам кўплик маъносини билдиради: *Ҳамма дастурхон атрофига чўкди* (С. Аҳмад, Уфқ, 48). Бироқ жамловчи олмош синсемантик хусусиятга эга бўлганидан микроконтекстдан субъектнинг аниқ миқдорини ҳам, унинг кимлардан иборатлигини ҳам билиб бўлмайди.

Энди учинчи шахс воситаларининг матнда қўлланишини таҳлил қиламиз. Микроматнда айтилган бир субъект ҳақида сўз бориб, уни таъкидлаш назарда тутилмаса, субъектни билдирувчи от биринчи гапда қўлланиб кейинги гапларда тусловчи қўшимча орқали ифодаланади: *Тонг отди. Ғани ака боши оғриб уйғонди. Кийим-бошини алмаштириб, сойга ўтди. Сувга тушди. Қайтди. Булоқ бошида тўхтади. Яқиндаги дард-аламларини эслади. Хомушланди* (Ш. Холмирзаев, Ҳаёт абадий). Бу микроматндаги луғавий эга қўлланмаган гапларда бажарувчи (*Ғани ака*) морфологик эга билан ифодаланган. Бунда тежамкорлик намоён бўлиб, сўз тежалади.

Субъектни таъкидлаш назарда тутилса, эга вазифасидаги от микроматндаги ҳар бир гапда қўлланади: *Гап шуки, шу канал мени одам қилди. Шу канал мени юртга қўшди. Шу канал менга обрў берди* (С. Аҳмад, Уфқ, 219). Бу мисолда такрорланган от темани таъкидлаб келган. Эга вазифасидаги отнинг такрорланиши коннотацияни вужудга келтирган. Коннотация сўзловчининг канал қурилишидан, унда ишлаганидан миннатдорлигини кучли даражада ифодалашдан иборат.

Микроматнда эга вазифасидаги отнинг такрорланиши ёзувчи услубининг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидан олинган қуйидаги микроматнда инсонни билдирувчи от ҳар бир гапда такрорланган:

Аёл ана шунда юзимга тикилиб қаради.

Аёл сергакланди. Аёл қизариб-бўзарди. Аёл... ирганди!

Аёл кўзларини олиб қочди. Аёл далалар узра разм солди. Аёл оҳиста-оҳиста бош ирғади (Т. Мурод, Отамдан қолган далалар, 85).

Бу микроматнда аслида субъектни таъкидлаш зарур эмас, шунинг учун субъектни ойдинлаштирувчи отни биринчи гапда қўллаш етарли эди. Бироқ ёзувчи ўқувчининг диққатини субъектга қаратиш ва ифоданинг таъсирчанлигини ошириш учун отни такрор қўллаган. Шу сабабли, бу микроматнда от ортиқча қўлланган дея олмаймиз.

Мазкур асарда эга вазифасидаги отнинг шундай такрор қўлланиши жуда кўп учрайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ёзувчи субъектни ойдинлаштирувчи отнинг такрорланишидан ўзига хос услубий восита сифатида фойдаланган.

Микроматнда олдинги гапдаги тўлдирувчи кейинги гапнинг субъекти бўлиши мумкин: *Жаннат етти бола тузди. Турмади* (С. Аҳмад, Уфқ, 10). Иккинчи гап биргина сўздан иборат. Микроматн мазмунидан кўриниб турибдики, иккинчи гапда тусловчи қўшимча билан ифодаланган субъект Жаннатнинг бевақт нобуд бўлган етти боласи. Ёзувчининг мақсади диққатни субъектнинг ҳаракати (ҳолати)га қаратиш бўлганидан субъектни луғавий восита билан ифодаламаган, яъни сўз бирикмаси (етти боласи ҳам) ёки сўз (еттови ҳам)ни тежаган. Натижада Жаннатнинг ҳаёти, аҳволини, яъни унга қанчалик оғир бўлганини ихчам тарзда ифодалашга эришган.

Қуйидаги микроматнда ҳам олдинги гапдаги тўлдирувчи кейинги гапнинг субъекти бўлиб келган: *Ҳой болам, ўсма узиб офтобга ташлаб қўй. Сўлиб турсин* (С. Аҳмад, Уфқ, 164). Иккинчи гапда тусловчи қўшимча билан ифодаланган субъект биринчи гапдаги тўлдирувчи (ўсма). Бироқ субъектни

таъкидлаш назарда тутилмаганидан у сўз билан ифодаланмаган, яъни сўз тежалган. Бундан ташқари биринчи гапда *сен* олмоши ва *ўсмани* сўзи тежалган.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ўзбек адабий тилида учинчи шахс (ўзга) маъноси: тусловчи қўшимчалар, кишилиқ олмоши, отнинг ўзак, негизи, сўроқ олмоши, гумон олмоши, кўрсатиш олмоши, жамловчи ва айирувчи олмош, бўлишсизлик олмоши, эгалиқ қўшимчасини олган ўзлик, жамловчи, айирувчи, сўроқ олмоши, отлашган сўз, ҳаракат номи, сифатдош каби воситалар билан ифодаланади.

2. Узвли таҳлил учинчи шахс тусловчи қўшимчалари билан ўзга маъносини билдирувчи олмош (кишилиқ, ўзлик, сўроқ, жамловчи, айирувчи, бўлишсизлик) ва от ўзак, негизининг уч хил грамматик маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхшашлигини кўрсатади. Бу эса уларни ўзаро маънодош (систем, пардигматик синоним) деб қарашга имкон беради.

3. Учинчи шахс тусловчи қўшимчалари ва от ўзак, негизи маънодошлиги биринчи, иккинчи шахс тусловчи қўшимчалари ва олмош маънодошлигидан фарқ қилади. Биринчи, иккинчи шахсда кишилиқ, ўзлик олмоши сўзловчи, тингловчини таъкидлаш учун қўлланса, учинчи шахсда от ўзгани ойдинлаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун нутқ (гап, матн)да учинчи шахсдаги луғавий эга (от) биринчи, иккинчи шахсдаги луғавий эга (олмош)га нисбатан кўпроқ ишлатилади.

4. Ўзга маъноси ойдинлаштирувчи контекстда тусловчи қўшимчадан ташқари *у*, *улар* кишилиқ олмошлари билан билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу олмошлар учинчи шахс тусловчи қўшимчалари билан маънодош бўлиб, ўзга маъносини умумлашган тарзда ифодалайди, шунингдек сон ва ҳурмат маъноларини билдиради. Шунинг учун бу олмошлар тусловчи қўшимчадан англашилган шахс (ўзга) маъносини таъкидлашга хизмат қилади. Бу олмошларнинг қўлланиши матн билан боғлиқ бўлиб, матнда олдинги гап(лар)да от билан ифодаланган субъектни таъкидлаш лозим бўлганда

ишлатилади. Таъкид назарда тутилмаганда у, улар олмошлари кўлланса, ортикча, ноўрин ишлатилган бўлиб, тежамкорликка риоя қилинмаган бўлади.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Замонавий ўзбек тили. Морфология. I жилд. – Тошкент, 2008.
2. Зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс, сон ва хурмат категориялари системаси. – Тошкент: Фан, 2018.
3. Зикриллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси: ўқув кўлланма. – Бухоро: Бухоро, 1994.
4. Зикриллаев Ғ. Рух ва тил: монография. – Тошкент: Фан, 2018.
5. Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Москва – Ленинград: Наука. 1960.
6. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
7. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
8. Ҳожиёв А. Феъл. Тошкент: Фан, 1973.
9. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: Фан, 1957.